

Норвегияда Ислом дини кенг тарқалмоқда



15:00 / 18.01.2019 1976

Норвегияликларнинг Ислом динига қизиқишлари кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу ҳақда «Sabah.com» нашри хабар беради.

Осло университети Динлар тарихи факультети масъул ходими Карин Вогнинг айтишича, сўнгги йилларда ислом динини қабул қилган норвегияликлар сони уч мингдан ошган.

«Verdens Gand» газетасининг ёзишича, 1990 йилдан буён Норвегияда ислом динини қабул қилганлар сони бир неча баробар ортган. Қизиқарли томони шундаки, Ислом динини қабул қилаётганларнинг аксарини аёллар ташкил қилмоқда.

«Авваллари норвегиялик аёллар ислом динини турмушга чиқиш орқали қабул қилишган. Ҳозир вазият буткул ўзгарган. Энди аёллар ўқиб, тушуниб Исломни қабул қилишмоқда».

Islom.uz портали таҳририяти